

насос станциялари бундан мустасно) Энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича,

тигиз пайт – энг катта юкломали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкломали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта миқдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар миқдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкломали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар камаювчи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Турли хил тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи битта электр таъминоти манбаидан электр билан таъминланганда, ҳисобга олиш приборлари ҳар бир тариф гуруҳи учун алоҳида ўрнатилади.

Истеъмолчи томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

3.4. Мазкур шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) ваколатли вакили билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “__1__” санасигача Корхонага ва Бюрога тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида кўрсатилиши шарт.

3.6. Тарифлар ўзгарганда Истеъмолчи етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар киритилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.7. Энергия учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, Корхона уларнинг кучга киришидан камида ўн беш кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар Энергия (шу жумладан, актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги 1 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва Корхона томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.8. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибда Бюрога мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.9. Истеъмолчи уланган қувватидан қатъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширганда (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гуруҳига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентга мувофиқ тўлайди. *(Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 09.12.2019 йилдаги 979-сонли қарорига асосан мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради)*

3.10. Корхона энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ҳамда беш кун ичида тўлов амалга оширилиши лозим бўлган ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини ёзиб беради.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф сарфлаган ҳажми кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли қарорига мувофиқ Корхона томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини электрон ҳисобварақ-фактура шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

3.11. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича масъуллиқ чегараси далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда